*1996 йил — Амир Темур йили*

*Абдулла ОРИПОВ,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

# УЛУҒ НИЯТЛАРНИНГ ШАРОФАТИ



Мана, ниҳоят, буюк бобомизнинг таваллуд тўйлари ҳам бошланди. Ушбу тўй, шубҳасиз энди йиллар бўйи давом этажак. Бобомизнинг муборак тўйларига мамлакатимиз жуда ҳам катта ҳозирлик кўрди. Юртбошимиз раҳнамолигида Тошкенту Самарқандда, Шаҳрисабзда бетакрор обидалар, ноёб иншоотлар таъмирланди, қад кўтарди. Бобомизнинг кўркам ҳайкаллари юртимизда кўр тўкиб турибди. Айниқса, Тошкент шаҳрида — пойтахтимизда, айнан бобомиз номидаги хиёбон ва улуғвор ҳайкал ёнида улкан бир музей яратилдиким, мен бу табаррук манзилгоҳни меъморчилигимиз тарихидаги мўъжизалардан бири деб биламан. Бу музей ўз салобати, гўзаллиги билан соҳибқироннинг ўзлари қурдирган асрий бинолар билан бўйлашади, десам янглишмайман.

Бунёд этилган яна кўплаб иншоотларни қувонч билан тилга оламан, ифтихор билан санаб ўтаман. Айниқса, Тошкент шаҳримизнинг жамоли кундан-кунга эмас, соатма-соат очилиб, яшнаб боряпти. Уларнинг барчаси яхши ниятларнинг, тинчликнинг шарофатидир.

Ўзим жаҳонгир бобомизга атаб «Соҳибқирон» номли асар ёздим. Ушбу асар яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриётда чоп этилди. Кўпгина театрлар бу асарни саҳналаштирдилар.

Бобомиз тўйи муносабати билан жуда кўплаб илмий, бадиий асарлар, рисолалар дунёга келди. Илмий-бадиий кенгашнинг бир аъзоси сифатида уларнинг деярли барчасидан хабардорман.

Шундай қутлуғ кунда бобомизнинг руҳлари шод бўлсин, дейман! Қаддимизни яна ҳам баландроқ ростлашимизда Соҳибқирон ҳазратлари қўлласин дейман ва оқшомхонлар эътиборига Амир Темур бобомизга бағишланган шеъримни ҳавола этаман.

## ТЕМУР

*Ҳар қанча фахр этсанг арзийди, ўзбек,*
*Балқибсан бир зотнинг юксак шонида.*

*Темурбек юлдузи Олтин Қозиқдек*
*Чарақлар буюклар қаҳкашонида.*

*Во ажаб, ёлғиз бир Занжир Саройнинг*
*Ўчини Ўрдадан ола билган зот.*

*Турон деб аталмиш каттакон жойнинг*
*Бағрига шунча йил сиғмабди наҳот?!*

*Жаҳонни мўғуллар исканжасидан*
*Қутқариб қололган барлосий ботир —*
*Қочолмай тақдирнинг тақозосидан*
*Фотиҳ деб ном олмиш ўзи ҳам охир.*

*Энг улуғ бинолар мужассам бўлмиш,*
*Оламда тенги йўқ Самарқанд-ку бор.*
*Темурбек жанг-жадал шавқига тўлмиш,*
*Қўлида шамширу тагида тулпор.*

*Ҳукми олий билан этмиш намоён,*
*«Куч бу — адолатда», деган сўзларни.*

*Қон тўкмиш Жаҳонгир гоҳо беомон,*
*Ёвлари тикмасдан қонли кўзларин.*

*Отани боладан тирик айириб,*
*Тожи тахт талоши қизиркан барҳо.*
*Султон не зотларнинг қўлин қайириб,*
*Муҳташам салтанат айламиш барпо.*

*Оллоҳим бахш этмиш шунчалар шукуҳ,*
*Комилу етукдир шажара, зоти.*
*Бир ён Бибихоним, бир ёнда Шоҳруҳ,*
*Бир ёнда Улуғбек — синмас қаноти.*

*Не бахтким, туққан юрт бўлганда озод,*
*Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз.*
*Қулоқ тутгайми деб ноаҳил авлод,*
*Ташаккур, бизларни кўзга илмишсиз.*

*Ҳамон ер юзида шайтон туғёни,*
*Тилларда дуою дилларда зарда.*
*Кўриб бу ноқису нотинч дунёни*
*Қайта босардингиз балки, Саркарда.*

*Саъйи ниятларга руҳингиз Сардор,*
*Ёвузлик чекингач, ўчгай ёмонлик.*
*Дастингиз шамширга бормасин зинҳор,*
*Ҳазрат, барчамизга тиланг омонлик.*

## ОҚ ЙЎЛ ТИЛАНГ

*Етмиш йил чексак ҳам, ғам-қайғу жафо,*
*Яшаган Замонни яхши деб ёздик.*
*Номингизни тилга ололмай, ҳатто,*
*Сал бўлмаса сизни унутаёздик.*

*Етмиш йилки йўллар бизга берк эди,*
*Орзу-армонимиз фақат эрк эди.*
*Охири қулагач мустабид қоя,*
*Ёруғ кунлар келди, юртга ниҳоят.*

*Истиқлол туфайли, саман от билан —*
*Сиз ҳам юртимизга қайтиб келдингиз.*
*Элу юртни ҳақу адолат билан,*
*Бошқармоқни бизга айтиб келдингиз.*

*Энди сиздан ўрнак олмоқ истаймиз,*
*Сиздек буюк давлат қурмоқ истаймиз.*
*Бу йўлдан орқага қайтмасмиз, асло.*
*Оқ фотиҳа беринг, бизларга бобо!*

*Авлод улғаймоқда, эркин, шод бари*
*Сизни унутмагай Маҳшаргача то.*
*Кетмоқдамиз, буюк келажак сари*
*Оқ йўл тиланг, бизга — Темурий бобо!*

Обиджон ЮСУПОВ.

# ХИЁБОН ТАРИХИ



Ҳозирги кунда буюк бобомиз Амир Темур номи билан юритилаётган хиёбон ўзига хос тарихга эга. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Тошкент Чор Россияси қўшинлари томонидан истило қилинганидан кейин шаҳарнинг янги қисмини барпо этиш масаласи ўртага ташланади ва буни ҳарбий муҳандис А. В. Макаров 1867—1870 йиллар мобайнида режалаштиради. Ана шу даврдан бошлаб бўлажак хиёбон атрофларида маъмурий ва турар жойлар аста-секин қад кўтара бошлайди. 1870 йили ҳозирги Алишер Навоий номли Давлат миллий кутубхонаси, 1875 йили Давлат Банки , 1881 йили Туркистон ўқитувчилар семинарияси (ҳозирги шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси жойлашган бино), 1882 йили Зобитлар уйи (ОДО), 1883 йили эрлар ва қизлар гимназияси биноси, 1890 йили княз Романов саройи ва бошқа бинолар қурилди.

1882 йилнинг 4 май куни оғир касалликдан сўнг Туркистон генераль-губернатори К. П. Кауфман вафот этади ва унинг жасади гимназия рўпарасига дафн этилади. Унинг қабри атрофини ободонлаштириш ва бу ерларни сайилгоҳга айлантириш мақсадида ҳозирги хиёбонга 1883 йили асос солинади.

Манзарали дарахтлар — эман ва чинор кўчатлари экилади. Кўчатларнинг кўпи айниқса, чинорлар Самарқанддан Абдураҳмон деган йирик боғбондан олиб келинган. 1889 йилда хиёбонда ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етгач, бу жой Тошкент жамоатчилиги, хусусан, юқори мартабали амалдорлар, зобитлар ҳамда йирик савдогарлар ва уларнинг оила аъзолари ҳордиқ чиқариб, маданий дам олиш масканига айланади. 1883 йилдан то 1918 йилга қадар, яъни 35 йил давомида бу хиёбон Константин хиёбони деб юритилган. Асримизнинг бошларида бу жойда Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг турли йиғинлари ҳамда сиёсий митинглар тез-тез ўтказилиб турилган. 1918 йили хиёбон номи ўзгартирилиб, унинг ўрнига инқилоб хиёбони номи берилади ва «Озод меҳнат ёдгорлиги» ўрнатилади.

1940 йилнинг охирларида Сталиннинг баланд ҳайкали қўйилади.

1968 йили эса унинг ўрнига К. Маркс туғилганлигининг 150 йиллиги муносабати билан унга ҳайкал қўйилади.

Хиёбонда 1890 йилда ўлка меҳнаткашларининг, хусусан ҳунармандларининг ишлаб чиқарган буюмларининг кўргазмалари ва павильонлар ташкил этилган. Бу кўргазмаларни томоша қилиб жуда завқланган маърифатпарвар шоир Фурқат «Виставка хусусида» шеърини ёзади. Шунингдек бу хиёбонда ҳар хил кўнгилочар ва қизиқарли томошалар — дорбозлар, ўйинчи, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, курашчи полвонлар ва сеҳргарлар ўз санъатларини намойиш этганлар. Тарихий маълумотлар, жумладан «Вестник виставки» газетаси ўзининг 1909 йил 1-сонида 1903 йилнинг кузида шу хиёбонда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилиги кўргазмасида Карим Абдисаломов ва Тоирқори Шоҳибековлар раҳбарлигида ўзбек миллий театри ташкил этилганлиги сурнай, карнай, танбур овозлари янграгани, талантли ашулачилар ва ўйинчилар, жумладан хушовоз ашулачи Мирзоҳид Отабеков ҳам қатнашганлигини маълум қилади.

Хиёбон 1918 йилдан «Инқилоб хиёбони», 1992 йилнинг майидан «Марказий хиёбон», 1993 йилнинг 31 августидан бошлаб эса Буюк давлат арбоби ва саркарда бобомиз Амир Темур номи билан «Амир Темур хиёбони» деб аталиб келинмоқда. Бу ерда унинг сўнмас сиймосию жасурлиги, адолатпарварлиги-ю буюк инсонийлиги, юртпарварлиги тимсоли сифатида улуғвор ҳайкали салобат тўкиб турибди. Яна сал нарироқда эса Темурийлар тарихи давлат музейи кўзга ташланиб турибди.

Юртбошимиз Ислом Каримов 1993 йил 31 август куни, яъни буюк айём арафасида Тошкент шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар! Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди».

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

# ОЛМОС ҚИРРАЛАР

Ижодкор темурийзодалар ҳақида сўз юритишдан аввал ушбу байтга эътибор берайлик.

**Ёрга етқур сабо, ким макр қилмишдир**
**манға,**
**Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир**
**кун анға.**

Байтга сингдирилган мазмунга қараганда ушбу сатрларни етук соҳиби қалам ёзганига асло шубҳа қилмайсиз. Лекин байтни соҳибқирон Амир Темур битган, уни Амир Ҳусайнга юборган экан. Эътибор берган бўлсангиз соҳибқирон ўзининг бутун умри давомида рассомларга, шоирларга, меъморларга катта ҳиммат кўрсатган. Уларнинг иссиқ-совуғидан ҳамиша бохабар бўлган, қадрлаган.

Темурийлар наслидан етишиб чиққан энг оташнафас шоир Алишер Навоий ҳақида ҳар қанча гапирсак оз бўлади. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ деб ўйлаймиз. Бугун Навоий ҳазратнинг ажойиб асарларидан бири бўлган «Мажолис ун-нафоис»(«Гўзал мажлислар») да номлари зикр этилган темурийлар хонадонига мансуб бўлган аҳли назм ҳақида сўз юритамиз.

Аллома ва тарихчи, султон Мирзо Улуғбек ўз даврининг соҳиби каломларидан бири эди. Унинг қаламига мансуб «Зижи Кўрагоний» ҳамда «Тарихи арба улус» асарлари алломанинг фалакиётда ҳам, тарихда ҳам, назмиётда ҳам беназир эканлигини исботлаб туради. Айтишларича, «Тарихи арба улус»га кирган тўртликларни Мирзо Улуғбекнинг ўзи ёзган экан.

Амир Темурнинг набираси Абобакр Мирзо Навоий таърифида: «Баҳодурлиғи ва қиличи зарби Чиғатой улусида машҳурдир. Чун таъбида назм чошниси (лаззати) бор эмиш», — дейди ҳамда бир туюқни алқайди.

Амир Темурнинг яна бир набираси Султон Искандар Шерозий ҳам Навоийнинг диққат-эътиборига тушган аҳли назмлардан бўлган. Ҳазрат Навоийки, уни ўз китобига киритиб, номини зикр этган экан, демак Султон Искандар бақувват шоирлардан бири бўлганлигига шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Шунингдек Навоий темурийзода Халил Султонни ҳам беадад иззат билан тилга олади. Ҳатто унинг бир байтини келтириб мақтаб ҳам ўтади:

**Эй турки пари пайкаримиз, тарки**
**жафо қил!**
**Комил дилимиз, лаъли равонбахш**
**раво қил!**

Темурий шаҳзодалар орасида Шоҳрух Мирзонинг ўғли Бойсунқур Мирзо илмпарвар, адабиёт ва санъат аҳлига бобоси каби юксак эътиборли бўлган. Ҳазрат Навоий ҳам у ҳақида энг илиқ сўзлар айтиб, назмда ҳам ўзига хос услуби борлигини таъкидлаб ўтади.

Мироншоҳ Мирзонинг кичик ўғли Муҳаммад Султон ҳам ўз даврида кўплаб рубоийлар, ғазаллар айтгани ҳақида Навоийда маълумотлар келтирилган.

Темурийлар хонадонига мансуб яна бир улуғ шахс — Султон Ҳусайн Бойқарони тилга олмасдан иложимиз йўқ. Ул зот Навоий яшаган даврда ҳукмронлик қилган, буюк мутафаккир шоирга чуқур эҳтиром билан қараган, ўзи ҳам Ҳусайний тахаллуси билан талай ғазаллар битган. Ҳусайн Бойқаронинг фарзандларидан Бадиуззамон Мирзо ҳам отаси каби нозик ғазаллар устаси эканлигини қуйидаги байтдан билсак бўлади.

**Эй, сабо, гар сўрса ҳолим шаммаи ул**
**сарвиноз,**
**Эврулуб бошиға мен саргаштадин**
**етқур ниёз.**

Ҳусайн Бойқаронинг фарзандлари Шоҳ Ғариб Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Муҳаммад Ҳусайн Мирзолар ҳам туппа-тузук ашъор битганлар. Ғариб Мирзо Ғарибий тахаллуси остида кўплаб шеърлар ижод қилган, ҳатто девон ҳам тузган.

Ижодкор темурийзодалардан яна бири Султон Абусаид Мирзонинг набиралари Султон Масъуд Мирзо ва Султон Али Мирзолар ҳам дилбар ғазаллар ёзганлиги, уларни замондошлари завқ муҳаббат билан ўқиганларини эътироф этмоқ жоиз.

Алишер Навоий ўзбек шеъриятининг бир забардаст қаноти бўлса, унинг иккинчи қаноти Бобур Мирзодир. Чиндан ҳам Бобур Мирзонинг ҳаётида, ижодий фаолиятида ажойиб бир уйғунликни кўришимиз мумкин. У шоҳ сифатида ҳам буюк салтанат тузди, шоир сифатида ҳам беқиёс гўзал назмий гулшан яратди.

Темурий қалам соҳиблари ҳақида кўп ва хўб сўзлашимиз мумкин. Улар ҳақида асарлар ёзилганини, уларнинг ижоди чуқур таҳлил этилиши зарурлигини ҳам барчамиз яхши биламиз. Амир Темур бобомиздан ўтган гўзалликка ошнолик, ташналик барча темурийзодаларга хослиги бизга қанчалар ёқимли.

Ғолиб МИРЗО.

*Тўйхат*

# ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС АДИБ



Олтмишинчи йилларнинг бошлари эди. Университетни эндигина тугатган ёш журналист республика ёшлар газетасида ишлаб юрардим.

Бир куни мени «Қизил Ўзбекистон» газетасига чақиришаётганлигини айтишди. Мен ўша даврда катта нуфузли, отахон нашр ҳисобланган бу газетанинг таҳририятида ишлашни хаёл қилиш у ёқда турсин, ҳатто унинг йўлакларидан ҳам ҳайиқиб ўтардим. Чунки бу газетада ўша даврнинг энг атоқли журналистлари Ҳабиб Нўъмон, Холбек Ёдгоров, Йўлдош Шамшаров, Ориф Юнус ва бошқалар ишлашар, моҳир журналист, публицист ва атоқли ёзувчи Иброҳим Раҳим унинг муҳаррири эди. Шу боисдан мен бу даргоҳга нима учун чақирилганимни билмасдан, муҳаррир хонасига тортиниб кириб бордим. Рўпарадаги столда иш билан кўмилиб ўтирган Иброҳим ака мени очиқ чеҳра билан кутиб олди ва «Сизни таҳририятимизга ишга таклиф қилмоқчимиз, розимисиз», — дедилар. Мен бундай таклифни кутмаган эдим. Дабдурустдан: «Ҳали мен ёшман, тажрибам камроқ, бундай даргоҳда ишлаб кета олармикинман?» — дедим. Иброҳим ака кулиб: «Биз сизни биламиз, албатта ишлаб кетасиз, ёрдам берамиз», дедилар. Шундай қилиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлай бошладим. Иброҳим Раҳим раҳбар бўлган бу жамоада ўтказган беш йилча ижодий фаолиятим бутун умрим учун нурли дебоча, катта мактаб бўлди, дея оламан.

Дарҳақиқат, Иброҳим ака ҳаммага баравар инсоний, самимий муомала қилар, доимо ижодга, фикрий-ижодий фаолиятга рағбатлантирар эди. Катта даргоҳ, ҳар куни неча турли хил муаммолар ҳал қилинади, газетада баъзан хатолар ўтиб кетади, аммо муҳарриримизнинг бирор марта овозларини кўтариб, жаҳл билан гапирганларини эшитмаганман. Иброҳим ака доимо қандайдир ўйчан, ишчан ҳолатда бўлар, бировга гапирсалар оҳиста, тиниқ ва босиқ овоз билан гапирардилар, ним табассум билан муомалада бўлардилар. У кишининг ижодий ходимларга доим айтганлари: «Эрталаб ишга кела туриб бугун мен газетага нима янгилик бера оламан», деб ўйлаб келсаларинг бўлди», деган ижодий талаб эди. Кундалик ишларида ҳам фаол, ижодий ходимларнинг кўнглини кўтариб, яхши сўз билан қўллаб-қувватлардилар, камчилик қилганларни эса: «Мана бундай қилинса, яхши бўларди», деб қўярдилар. Яна у киши: «Ошначилик узилмасин, порядкаси бузилмасин», дейишни яхши кўрардилар, бу эса: «Яхши муомалани суиистеъмол қилакўрманглар» дегани эди.

Иброҳим ака Ўзбекистонимизни, унинг меҳнатсевар одамларини жуда яхши кўрар, улар ҳақида алоҳида бир романтика — сурур билан ёзишни ўзларининг доимий ишлари деб билардилар. Шу боисдан илғор пахтакорлар, чорвадорлар, чўлларни ўзлаштирувчилар, газ қазиб олувчилар, қурувчилар, хуллас ўша даврнинг илғор, обрўли кишилари Иброҳим аканинг қаҳрамонлари эдилар. Бунинг исботи Иброҳим ака яратган неча ўнлаб очерклар, мақолалар, қиссалар, романлардир. Биз Иброҳим ака яратган долзарб мавзулардаги очеркларни ҳавас ва ҳайрат билан ўқирдик. Уларда кишиларнинг меҳнат қаҳрамонликлари билан инсоний фазилатлари ҳам илиқ, самимий тасвирланарди. Эсимда бор, машҳур механизатор Турсуной Охунова ҳақидаги очерклари: «Агар кўчадан бир тўп қизлар ўтиб боришаётган бўлса «Турсуной» деб чақирсангиз уч-тўрттаси қайрилиб қараши турган гап», деган самимий ташбиҳ билан бошланарди. Иброҳим ака фақат очеркларгина эмас, қатор қиссалар, романлар ҳам ёзди. Булар — «Ҳилола», «Оловкор», «Ёшлик қайтиб келмайди», «Ихлос», «Тақдир», «Фидойилар», «Генерал Равшанов» сингари ўнлаб асарлар бўлиб, улар ўқувчиларга яхши танишдир. Бу асарларда ёзувчи давр воқеалари ва кишиларини алоҳида меҳру ғурур, кўтаринки руҳ билан тасвирлади.

Иброҳим ака тегирмонга тушиб бутун чиққанлардан, яъни II жаҳон урушининг бошидан охиригача иштирок этган жангчи-фахрийлардандир. Шунинг учун ҳам уруш ва унда ўзбек жангчиларининг кўрсатган қаҳрамонликлари унинг қатор очерклари, қиссалари ва романларида ўз ифодасини топди. Ўзбек адабиётида уруш мавзусида ёзилган асарлар орасида унинг қаламига мансуб асарлар алоҳида салмоқли ўринга эгадир.

Иброҳим ака ўз даврининг фарзанди сифатида ўша давр ғояларини одамлар ҳаёти, бахти ва келажаги учун зарур ва мақбул деб билади ва улуғлади.

Иброҳим ака жасоратли муҳаррирлардан эди. У киши бирор муаммо кўтарилган асарларни «қандай бўлар экан», деб тўхтатиб турмас эдилар, балки ўша материал ёки асарнинг шу кун учун, халқ учун, жамоатчилик фикри учун қанчалик муҳимлигини чуқур мушоҳада қилиб, ўқувчиларга етказишга тайёр турардилар. Бунга мисол у кишининг «Муштум» ва «Гулистон» журналларида муҳаррирлик пайтларида катта жасорат билан босишга рухсат этган «Темур тузуклари» ва бошқа асарлар фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Республика давлат мукофоти соҳиби Иброҳим ака ҳар бир давр хусусияти, руҳи, «юрак уриши»ни зийраклик билан пайқаб оладиган ижодкордир. У истиқлол берган буюк неъматларни, мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажагини чин дилдан ҳис қилиб, бу йўлда камарбаста бўлиб хизмат қилмоқда. Шу бугунимиз, ҳозирги давр қаҳрамонларининг ҳаёти, меҳнати ва интилишларини қаламга олиб, ҳозиржавоб асарлар, очерк ва қиссалар яратмоқда. Доим серҳаракат, фикрий-ижодий фаолият билан банд бўлиб юрувчи бу акамизнинг саксон ёшга кирганликларини эшитган киши дабдурустдан ишонмаслиги мумкин. Чунки Иброҳим ака доим ёш, кирчиллама йигитдек, меҳнатдан чарчамайдиган, суҳбатда самимий, меҳр-оқибатда олижаноб инсондирлар.

Умрингиз узоқ, ижодингиз сербарака бўлсин, Иброҳимжон ака!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

*Бирни кўриб фикр қил...*

# БОЛАМНИ НИМА ҚИЛДИНГ?

Одатдагидек, метронинг олдинги вагонидан чиқдим-у эшик ёнида тўхтадим. Борар манзилим — навбатдаги бекат. Шу пайт кимдир рўмолим учидан астагина тортгандек бўлди. Орқага қарадим-у, беихтиёр жилмайдим. Отаси қўлида турган 1,5-2 ёшлар чамасидаги гўдак ўз онасига талпингандек, менга талпинарди. Менинг эса икки қўлим ҳам банд. Бола ўз тилида нималардир дер, мен ҳам уддалаганимча мурғак сўзларига жавоб қайтарардим.

Эшик ёнгинасидаги ўриндиқда ўтирган, аллақандай хавотирли нигоҳини гоҳ боладан, гоҳ мендан узолмаётган аёл унинг онаси эканини пайқаш қийин эмасди. Гўдак эса мен томон талпинишини қўймасди...

— Афсуски, манзилга етиб келдим. Қўлларим бандлиги учун сени кўтара олмадим. Омон бўл! Хайр, болажон! — дедим вагондан туша туриб. Одамлар оқимига шўнғиб кетар эканман, беҳосдан йиғлаган гўдак овози эшитилди. Билмадим, бу унинг овозимиди...

Мустақиллик бекатининг Сайилгоҳ кўчаси томондан чиқдим. Буни қарангки, улар билан яна ёнма-ён турибман. Мурғак ўз тилида яна нималардир дея жажжи қўлларини мен томон чўзди. Бу сафар уни қўлимга олмасликни бағритошлик деб билдим. Юкларимни ерга қўйиб, болани қўлимга олиш учун отасидан рухсат сўрадим:

— Кел, келақол болажон, — дедим уни эркалаб, «бахтга қарши ёнимда бирор ширинлик ҳам йўқ экан, сенга берай десам», дедиму балога қолдим.

— Нима, менинг ўғлим сиздан садақа сўраяптими?! Сизда йўқ бўлган ширинликлар уйимда қуртлаб ётибди, — деди аёл заҳархандалик билан. Хижолат бўлганимдан «мени кечирасиз «садақа» деган гап хаёлимга ҳам келгани йўқ», — дедим. Қўлимда турган гўдак, кўпдан бери йўқотиб қўйган кишисини топгандек, менга тикилиб-тикилиб қарар, рўмолим ичидан кўриниб турган ҳижоб дўппимни жажжи бармоқлари билан аста ушлаб кўрарди.

Шу алфозда хунук воқеа юз бериши мумкинлигини пайқадими ёки мени хижолатдан қутқармоқчи бўлдими, ҳайтовур отаси қўлимда турган болага қўлларини чўзди:

— Давронбек, кел менга, ўғлим, кетамиз, — деди.

Давронбек, бағримга маҳкамроқ ёпишди, отасига боришни хоҳламаётганини ҳаракати билан сездирди.

Нима бўлаётганини ўзим ҳам тушунмасдим. Худди гуноҳ иш қилиб қўйгандек, икки юзимгина эмас, бутун вужудим ловуллаб ёнарди. Важоҳатини яшира билмаган она, менга яқинлашди-ю Давронбекни бағримдан юлқилаб олди. Гўдак йиғлади. «Нега йиғлайсан! Онанг ўлганми сен бошқага ёпишасан?!» дея пўстакни қоққандек жон-жаҳди билан гўдакни орқасига урди.

Мен, она қўлидан гўдакни қайтариб олишни ҳам, йўлимда давом этишни ҳам билмай, бир зумгина ҳаракатсиз қолдим. Даврон эса тинмай йиғларди.

Орқамга қайтсам, боласини қизғаниб, яна ҳам унга озор беришидан чўчиб, олдинга илдамладим. Назаримда боланинг овози яна ҳам баландроқ чиқди. Шу пайт отасининг овози эшитилди. Хотинига дашном беряпти шекилли, деб ўйладим.

— Ҳой, рўдапо! Сенга айтаяпман! — деган хитоб юрагимга тиғдек санчилди. Орқага бурилдим. Давронбек отаси қўлида эди. Орқасига қайрилиб уларнинг юришлари учун йўл бермас, йиғиси тинмаганди.

— Менга айтаяпсизми? — сўрадим қалтираган овоз билан.

— Бўлмаса, кимга?! — дея жавоб қайтарди аёл.

Уларга яқинроқ бораётганимни кўрган Давронбек йиғидан тўхтаб, чеҳрасида қуёш кулгандек, ўзгарди. Улар ёнига келдим-да, «Йўлинглар қайси томонга? Нарроқ-берроқгача бирга борсак овуниб қолар», дедим майинлик билан. Мен нечоғлик босиқлик билан гапирганим сайин улар мени ҳақорат хипчини билан савалай бошлашди.

— Гапни айлантирмай, тўғрисини айтинг, болани нима қилдингиз? — деди аёлнинг эри.

Кутилмаган гап мени гангитиб қўйди. Гўё аччиқ тутун димоғимни ачиштира бошлади. Кўзимда эса киприк қоқсам дув этиб тўкилгудек ёш тўпланди. Бу воқеа кошки эди туш бўлса... Хайрият, аччиқ ёшларимга бир куч тўғон бўлди-ю кўз ёш тўкишдек шармандаликдан асраб қолди.

— Мен... болангизга?! Бу нима деганингиз? Ахир, бу тасодифий ҳол экани бошқалардан кўра сизга аён-ку?

— Кошки, сендақаларни билмасам экан, — деди аёл. Гап орасида Давронбекка пўписа қилди: «Бир пас чакагингни ўчириб тур».

Давронбек ҳамон қўлчаларини менга чўзганича илтижо билан йиғларди. Аёлнинг гапини эри давом эттирди:

— Бошига оқ рўмол ўраб, ҳижобга кирган рўдаполар борки, жодугар, ҳаммаси жоду ўқийди.

У яна алланималар деди. Асабим ортиқ дош беролмай, йўлимда давом этдим. Сайилгоҳ кўчасидан ўтиб то Матбуотчилар кўчасига келгунимча Давронбекнинг йиғиси қулоғимга эшитилаверди...

Иш жойимга қандай келганимни билмайман, хонамга киришим билан ҳалидан бери димоғимни аччиқ тутундек ачиштираётган ёш юзларим бўйлаб оқа бошлади. Бундай пайтларда 25 йиллик қадрдоним, энг азиз кишим билан сирлашгач, енгил тортардим. Энди эса бу имкониятдан ҳам маҳрумман...

Бироқ бу қандай саргузашт бўлди? Бу не жумбоқ? Гўдак нима учун бу қадарлик менга — бағримга талпинди? У нималар деб илтижо қилди экан?!. Улар нега ҳижобимни ҳақорат қилишди?! Жоду деб нимани назарда тутишди экан? Агар гўдакнинг ота-онаси айтганидек жодугар бўлсам, нега болажон мендан чўчимади? Аксинча менга — бағримга талпинди?! Балки унинг нуроний, оппоқ рўмол ўраб юрадиган бувижониси бордир! Давронбек ўша мулойимгина бувижонисини анчадан бери кўрмаётгандир. Мени кўргач, бувиси ёдига тушиб, шундай қилгандир...?!. Бу каби охири йўқ саволлар бир-бирини қувалаб, хаёлимни банд этаверди...

Мен ўзимни қандай тутишим керак эди?!.

Насиба ҲОЖИМУРОД қизи.

Кўз ўнгимизда буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг салобатли катта портрети. Унда шоҳона либос, бошига тож кийган, улуғвор соҳибқироннинг нигоҳи бир нуқтага қадалган. Юз қиёфаси, ўзига ярашган соқол-мўйлови ёшига хос рангда моҳирлик билан тасвирлангани учун унинг нуроний, доно ва зийрак эканлигидан далолатдир. Бобомизнинг елкадор, бақувват ва чайир қўллари қиличга таянган ҳолда тасвирлангани ҳам унга алоҳида улуғворлик касб этиб, улкан жасорат, матонат соҳиби эканлигидан хабар беради. Бармоқларида бўртиб турган томирларда жўшиб-тошиб ҳаёт нафаси уфуриб, қон оқиб тургандек туюлади.

Суратга тикилиб, маҳлиё бўлиб, ундан чуқур маъно ва мазмун уққан томошабин тасвирнинг нақадар жонли ва табиий чиққанидан бир карра завқ-шавқ ҳис-туйғусини туйсалар, рўпарарида улар билан юзма-юз турган ана шу тарихий шахснинг сиймосини чизган мўйқалам соҳибини жон қулоқлари билан тинглаб, ўн карра қувонардилар. Зотан бундай қизиқарли, тарихий, унутилмас учрашув, бахт, ҳаммага ҳам насиб эта бермайди.

# СОҲИБҚИРОН РУҲИНИ ШОД ЭТИБ...

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий музейи залида улуғ бобомиз таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан хизмат кўрсатиш ва қўриқлаш махсус батальони жамоасининг Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Малик Набиев билан учрашуви бўлиб ўтди.

Маълумки, Малик Набиев жаҳонга маълум ва машҳур бўлган «Амир Темур портрети»ни яратишдан аввал Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ал Хоразмий, Ар Розий, Рудакий сингари буюк зотларнинг ўлмас сиймоларини чизган, маданиятимиз тарихига улкан ҳисса қўшган, катта совринлар олган, дунё кезган, ўзининг муборак 80 ёшида ҳам йигитлардек елиб-югуриб, бардам-бақувват юрган атоқли мўйқалам соҳибидир.

Учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси уруш ва меҳнат фахрийлари бошланғич ташкилоти раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Назармат ҳам қатнашиб, тингловчиларга ўзининг Амир Темурга бағишланган, шунингдек ҳарбий-ватанпарварлик, она юртга меҳр-муҳаббат, бурчга садоқат мавзусидаги бир қатор шеърларини ўқиб берди.

Учрашув ташкилотчилари, музей ходимлари Людмила Бирюкова, Диломхон Раҳимова, капитан Нурмуҳаммад Муллабоевлар меҳмонларга қизиқарли учрашув учун миннатдорчилик билдириб, уларга фахрий ёрлиқ, ва гулдасталар тақдим этишди. Меҳмонлар эса ўз навбатида фахрий меҳмонлар учун таъсис этилган махсус эсдалик китобига дил сўзларини ёзиб қолдиришди.

Амир Темур бобомиз руҳини шод этган бу учрашув Жасорат боғида ҳам давом этди.

Искандар РАҲМОНОВ.

